

Қорақалпоғистон Республикаси
статистика бошқармасининг
2020-йил 7-декабрдаги
120-Ө сонли буюруғига 27-илюва

Хизматлар соҳаси статистикаси бўлими тўғрисидаги

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Хизматлар соҳаси статистикаси бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим фаолияти хизматлар соҳасида ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, ҳалқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошка қонун ҳужжатларига, бошқарма Низомига ҳамда мазкур Низомга амал қиласи.

4. Бўлим ўз фаолиятини бошлиғи раҳбарлигига амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Давлат статистика қўмитаси, бошқа тармоқ бўлимлари ва туман, шаҳар статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

хизматлар соҳасига оид илмий асосланган статистик методологияси бўйича, давлат статистика кузатувлари тизимини режалаштириш, жорий этиш ва ривожлантириш бўйича ишларни ташкил этиш;

хизматлар соҳасида иқтисодий жараёнларни ўрганиш, соҳага оид статистик ахборотларни йиғиши, қайта ишлаш, умумлаштириш, сақлаш тизимини такомиллаштириш;

Давлат статистика ишлари дастурида хизматлар соҳаси статистикаси бўйича белгиланган ишларнинг тўлиқ ва муддатларида бажарилишини таъминлаш;

хизматлар соҳасига оид статистик кўрсаткичларининг ишончлилиги, тезкорлиги ва тизимлилигини таъминлаш;

хизматлар соҳаси бўйича статистик инструментарийни (кузатув шакллари ва ийфма таҳлилий жадваллар макетлари, кўрсаткичларни ҳисоблаш услубиятлари бўйича маълумотларни қайта ишлаш вазифаларни ташкил этиш) шакллантириш;

Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари, туман, шаҳар статистика бўлимларининг хизматлар соҳаси статистикаси соҳасидаги ахборотларни шакллантириш бўйича ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

7. Бўлим ўзига юклangan вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

Бўлим таркибига кирувчи ходимларни хизматлар соҳаси статистикаси масалалари бўйича ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларини самарали амалга ошириш бўйича фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, Бошқарма раҳбарияти топшириғига асосан ҳамда фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида хизматлар соҳаси статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

Бўлимнинг услугбий, иқтисодий, ташкилий ва статистика ишлари режаларини шакллантиради ва белгилangan муддатларда ижросини таъминлайди;

Бўлим, хизматлар соҳасига, таҳлилий, ташкилий ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қиласи ва доимий мониторингини юритади;

хизматлар соҳаси фаолиятига услугбий ва ташкилий раҳбарликни амалга оширади;

Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармасининг тармоқ ва туман, шаҳар статистика бўлинмаларига хизматлар соҳаси статистикасининг услугбий масалалари, ушбу соҳага оид статистика ишларини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатади;

хизматлар соҳасига статистикаси амалиётига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни амалга оширади;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди;

белгилangan тартибда бўлимга юклатилган бошқа функцияларни амалга оширади.

III. Бўлимнинг хуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги хуқуқларга эга:

Бўлим томонидан Давлат статистика қўмитасига хизматлар соҳаси хизматлари статистикаси бўйича статистик услубиятни такомиллаштириш ва кузатувларни ташкил этиш бўйича таклифлар киритиш;

Бўлим Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси тармоқ бўлимларидан, шунингдек туман, шаҳар статистика бўлимларидан ўзига юклатилган функцияларни бажариш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

хизматлар соҳасига статистикасига оид давлат статистика кузатувлари услубияти ва уларни ташкил қилиш масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини амалга ошириш;

хизматлар соҳаси статистикасига оид давлат статистика ҳисоботларини йиғиш муддатларини мақбуллаштириш, уларни қайта ишлаш, тўлиқлилигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

9. Бўлим статистик маълумотларни ягона статистик илмий методология асосида тартибга солиш ва сифатини ошириш учун, ваколатига кирадиган статистик, таҳлилий ва бошқа материалларнинг савияси учун жавобгар бўлади.

IV. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

10. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Давлат статистика қўмитаси бўйруқлари ва қарорлари, шунингдек Давлат статистика ишлари ишлаб чиқариш дастури, ушбу Низом, Бошқарманинг йиллик иш режаси, ходимларнинг лавозим вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлим ходимларининг лавозим вазифалари бошқарма бошлиғи билан келишилади, бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича бўлим фаолияти самарадорлигининг доимий мониторинги, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини ва Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти ва бошқарма топшириқларини электрон ҳужжат айланиши тизимида ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, шунингдек бўлим томонидан бажарилган режадаги ва режадан ташқари ишлар тўғрисида Бўлимнинг ойлик ҳисботини тузиш орқали ташкил этилади.

Бўлим фаолиятига бошқарма бошлиғи раҳбарлик қиласи. Бўлим бошлиғи Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинади.

11. Бўлим бошлиғи:

Бўлимнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қиласи, бўлимнинг ишларини ташкиллаштиради, Бўлимга юклатилган вазифа ва функцияларни бажарилиши, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлим фаолиятининг самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

қўйилган вазифалар, келиб тушган ҳужжатларни назорат қилиш ва ишда тажриба алмashiш масалалари бўйича бўлим ходимлари билан инструктив тушунтиришлар ўтказади;

иш юритишни олиб бориши, топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини қатый назорат қилиш бўйича ишларни ташкил этади, ходимларнинг ишга оид хужжатлар билан ишлаш ва уларни сақланиши бўйича белгиланган тартибга риоя қилишларини таъминлайди;

Бўлим бошлиғи йўқ бўлган пайтда унинг вазифаларини ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича бўлим бошлиғи ўринбосари бажаради.

12. Бўлим бошлиғи қуийдаги ҳуқуқларга эга:

Бошқарма бошлиғи билан келишилган ҳолда, Бўлим ходимларининг лавозим вазифаларини тасдиқлаш;

Бўлимнинг ишини ташкил этишни, усули ва услубини яхшилаш, ҳисбот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

ходимларни бошқа лавозимларга ўтказиш ва рафбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини қўллаш тўғрисида бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

ходимларининг лавозим маошларига шахсий устамалар белгилаш, шунингдек аввалги ўрнатилган устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш бўйича бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалаларни муҳокама қилишда идоралар, корхона ва ташкилотларда Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси номидан қатнашиш.